

8475401

Исмоил БЕКЖОНОВ

«ҚОРАҚҰЛ  
БУЛБУЛИМАН...»




84(54)1

Исмоил БЕКЖОНОВ

«ҚОРАКЎЛ  
БУЛБУЛИМАН...»

(Шоир ва мусиқашунос  
мавлони Хусомий-Қоракўлийнинг ҳаёти ва ижоди,  
1442 – 1505)

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-нашрияти  
Тошкент — 2014



УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5Ў)7

Б 49

Исмоил, Бекжонов

**Қорақул булбулиман...:** шоир ва мусиқашунос мавлоно Ҳусомий-Қорақулийнинг ҳаёти ва ижоди 1442–1505 / И. Бекжонов; сўзбоши муаллифи С. Ғайбуллаев. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014. – 40 б.

**Нашр учун масъул: Саъдулла Ғайбуллаев**

Шоир Ҳусомийнинг ижод намуналари билан танишар экансиз, унинг адолат, инсоф гояларини куйлаган шеърлари қатори, соф севги, баҳорий қувонч, табиат манзаралари мавзуларидаги лирик меросидан баҳраманд бўласиз.

Ушбу китобда Ҳусомий биографиясига оид маълумотлар ҳам берилган.

Тўплам адабиётшунос ва маданият тарихи билан қизиқувчи барча ихлосмандлар учун мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133

КБК: 84 (5Ў)7

ISBN 978-9943-06-522-2

© И.Бекжонов  
© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2014 йил.

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Мавлоно Ҳусомиддин Ҳусомий Хивақий-Қорақўлий (1442–1505 йиллар) Хожа Аҳрори Валий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби улуг зотларнинг назарига тушган шоирдир.

Ўзининг теран мазмунли шеърларида фалсафий ғояларни илгари сурган шоир Ҳусомий Хивақий-Қорақўлий ҳаёти ва ижодий мероси ҳозиргача Ўзбекистонда махсус ўрганилган эмас. Ҳолбуки, унинг бизгача етиб келган шеърий асарларидан айрим намуналарнинг ўзиёқ Ҳусомийнинг етук сўз санъаткори бўлганлиги ҳақидаги ўтмишда билдирилган фикрларни тасдиқлайди.

Ёзма манбалардан шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни, асарларини излаб топиш ҳамда уларни оммалаштириш Ҳусомийнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги қонуний ўрнини, мавқеини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлар эди. Шу жиҳатдан филология фанлари номзоди, манбашунос олим Исмоил Бекжонов олиб бораётган мавлоно Ҳусомийнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш борасидаги астойдил изланишлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишга муносибдир.

Шу ўринда Исмоил Бекжоновнинг номини ва мумтоз адабиётимизни ўрганиш йўлидаги илмий хизматларини илм аҳли жуда яхши билса-да, уларни яна бир эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмасди.

Олимнинг номи Заҳирий Самарқандийнинг «Синдбоднома» (1992), Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир аҳбоб» (1993) ва Эрон элчилари Муҳаммад Алихон Фафурнинг «Хоразм сафари кундалиги» (2005), Аббосқулихоннинг «Бухоро сафарномаси» (2007), Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Хоразмга элчилик китоби» (2009), Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ил-билод»

(2009) ҳамда Мутрибий Самарқандийнинг «Ҳинд сафари» (2005), «Тазкират уш-шуаро» (2013), «Нусхайи зебони Жаҳонгир» (2014), Хондамирнинг «Буюклик хислати» (2011), «Ҳабиб ус-сийар» (2013) асарларини форсчадан ўзбекчага таржима қилган мутаржим сифатида ҳам алоҳида эҳтиромга муносибдир.

И.Бекжонов Мунис ва Оғаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асарини араб ёзувидан ўзбекчага табдил этган. «Мутрибий тазкиралари муҳим адабий манба» (2009) ва «Ҳофиз Меросий Хатиб - Ҳифзий мажмуаси» каби китоблар (2011) муаллифидир.

И.Бекжонов томонидан Мутрибийнинг «Нусхайи зебони Жаҳонгир» тазкираси ва Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод» тарихий асари Эронда форс тилида нашр қилинганлигини тарихимизни хорижда ҳам тарғиб қилиш борасидаги эътиборли иш сифатида баҳолаш керак.

Биз ушбу кичик китобчага кириш сўзида И.Бекжоновнинг адабиётимиз олдидаги хизматларини бекорга эслаб ўтганимиз йўқ. Ана шундай салоҳиятли олим мумтоз адабиётимиз тарихидаги бир кемтикни тўлдириш ниятида мавлоно Ҳусомийнинг ижодий меросини халқимизга қайтаришга бел боғлаб, «Қорақўл булбулиман» номли рисола яратган экан, бундай саъй-ҳаракат ҳар томонлама рағбатга сазовордир, деб ўйлаймиз. Назаримизда, ушбу рисола ишончли манбаларга таяниб ёзилганлиги туфайли мавлоно Ҳусомийнинг шахси ва ижодий салоҳияти ҳақида ўқувчида ишончли таассурот уйғота олади. Мазкур китоб орқали, образли қилиб айтганда, мавлоно Ҳусомийнинг номи адабиётимизга қайтмоқда, ижоди қайта тирилишга бошламоқда, шеърлари яна жонланмоқда. Бу эса, маънавий дунёимизни, тафаккур тарзимизни янада бойитишига, қалбимизда фахр-ифтихор уйғотишига шак-шубҳа йўқ.

Ушбу рисола Мавлоно Ҳусомийнинг адабий ва муסיқий меросини тизимли равишда ўрганиш ва тадқиқ

қилиш йўлидаги илк жиддий қадамдир ҳам. Уйлаймизки, И.Бекжонов домла бошлаган бу ҳаракатлар ярим йўлда тўхтаб қолмайди, домланинг ёнига янги-янги тадқиқотчилар, мутаржимлар, турли касбдаги олийжаноб хайрихоҳ кишилар қўшилади, шу туфайли мавлоно Ҳусоимийнинг тафаккури меваларидан янада кўпроқ баҳраманд бўлаверамиз. Бу мевалар эса, руҳиятимизни янада юксакликка кўтариш, руҳий яқдиллигимизни янада жипслаштириш йўлидаги маънавий озуқа манбаи бўлиб қолаверади.

*Саъдулла Файбуллаев,  
журналист*

## ҲУСОМИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА

Хез, эй соқий ва май рез аз суроҳий дар қадах,  
3-он, ки мехоҳам гуям чанд байте дар қадах...

(Тур, эй соқий, май сун кўзадин, тўлганча қадах,  
Байт айтмоқ истар кўнгил кўлда тутганча қадах).

XV аср иккинчи ярми — XVI аср бошларида яшаб, ижод этган мавлоно Ҳусомиддин Ҳусомий Хивақий-Қорақўлий Ўрта Осиё халқлари маънавий-маданий, жумладан, адабий ҳаёти ривожига муносиб ҳисса қўшган сиймолардан бўлиб, бу шоир адабий фаолияти ҳақида Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» (1490—1498), Сом Мирзо «Тухфайи Сомий» (1550), Ҳасанхожа Нисорий «Музақкири аҳбоб» (1566), Алоуддавла Қазвиний «Нафоис ул-маосир» (1598), Абдулла Кобулий «Тазкират ут-таворих» (1601), Мутрибий «Тазкират уш-шуаро» (1605), Малиҳо Бадеъ Самарқандий «Музаққир ил-асҳоб» (1692), Лутфалибек Озар Бекдилий «Оташкадаи Озар» (1770), Саййид Роқим «Торихи Роқим» (1690), Хожамқулибек Балхий «Тарихи Қипчоқхоний» (1726), Ҳерман Вамбери «Бухоро тарихи» (1873), Шамсибек Сомий «Қомуси аълом»да ва унинг мусиқа санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси борасида Дарвишали Чангий «Рисолаи мусиқа» (1603) асарида махсус сўз юритишган. Бу муаллифлар томонидан Ҳусомий бадий ижодига нисбатан билдирилган таърифу тавсифлар жуда юксак.

Шу билан бирга, мазкур маълумотларда Ҳусомийнинг сўфийлик тариқатидаги дарвишлик, аниқроғи, дарвишлик қоидаларидан ҳам бетартиброқ расм-русум асосида шариат аҳкомлари-ю, тасаввуф қоидаларига итоат қил-

май, дунё ҳой-ҳавасларидан нафсни бутунлай тийганча тажрид - ёлғизлик гирдобиди, аммо бирор ерда қўнимсиз ҳолатда хурфикрлик билан эркин ҳаёт кечириш йўлини танлаган қаландарлик оқимидаги киши эканига ҳам урғу берилган.

Биламизки, XII аср бошларида тасаввуфнинг яна ҳам кенг ёйилиши асносида ислом ўлкаларида пайдо бўлган қаландарлар жамоаси на масжид, на хонақоҳни тан олишган. Ўз қараш ва сўзларида на шоҳу, на гадо, на муллоу на сўфийларни аяшган. Ҳусом — қилич, ҳисом — қиличлар. Шоирнинг бу таҳаллусни танлашида «сўзи қиличдай кескир» қабилидаги рамзий маъно ҳам бўлгани табиийдир:

Чун, Ҳусомий, шудаам подшаҳи мулки суҳан,  
Ба асоси суҳан ораста шуд лашкари мо.

(Мазмуни: Мен, Ҳусомий, сўз мулкининг подшоҳи бўлганим сабаб, лашкарим қуроли сўздир.)

Халқ бундай тўғри сўз кишиларни телба маъносида девона, мажзуб, машраб дейишган. Устларида доимо капанак (ямоқли жун тўн), оёқларида тери ёки ёғочдан қавуш, елкаларида қовоқдан ясалган қачқул идиш бўлган. Баъзи қаландарлар юзу кўзидаги барча тукни (соқол, мўйлов ва сочу қош, киприк) қиртишлаб, юзларини ойнадай ялтиратиб юришса, айримлари аксинча, сочларини ўстириб, соқолларига қайчи урмаганлар. Паҳлавон Маҳмуд ёзади: Рухсори қаландарий че равшан, че сиёҳ... (Қаландарнинг юзи ялтираб турадимиз ёки қаро бўладими, барибир у худога яқин зотдир). Абу Саид Абулхайр, Бобо Тоҳир, Абдулла Ансорий, Санойи Ғазнавий, Фаридуддин Аттор, Шаҳобиддин Суҳравардий, Шайх Рузбеҳон каби тасаввуф олимлари ва Ибн Батута сингари сайёҳлар дастлабки пайтларда қўнимсиз яшаган қаландарларнинг кейинчалик сўфийларга ўхшаб ўз қаландархона, зовия, лангар, такия каби доимий йиғингоҳларига ҳам эга бўлишгани ҳақида ёзадилар. Ислом аҳкомларини



яхши ўзлаштирган, тасаввуф тариқати босқичларини ҳам босиб ўтиб, аммо ўз дунёқараши ва ички кечинма, туйғулари сабабли қаландарлик йўлига кирган бу кишиларни халқ олиму ориф ва Худо сирларидан хабар топувчи «қурбуллоҳ» (Аллоҳга яқин кишилар), яъни вали сифатида эъзозлаган.

Ҳазрат Алишер Навоий «Мажолис»нинг учинчи мажлисида ўзи кўрган ва суҳбатда бўлган шоирлар қаторида Ҳусомийни қуйидагича тилга олади: «Дарвиш Ҳусомий хоразмлигдур. Бу матлаъ анингдурким:

Фигон, эй дустон, к-он лаъли ширин аз ҳавас моро,  
Бикушту, ҳеч кас бар сар наёмад жўз магас моро.

(Мазмуни: Фигон, эй дўстлар, ул ширин лабли ҳавас юзасидан бизни ўлдирди-ю, Пашшадан бўлак ҳеч ким бошимизга келмади)».<sup>1</sup>

Сом Мирзо Сафавий ўзининг «Тухфайи Сомий» тазкирасида (1550 й.) ёзади: «Мавлоно Ҳусомий Қорақўллий асли Хоразмдан. Аммо Бухорога қарашли Қорақўлда ўсиб-улғайган. Дарвиш ва абдолваш киши бўлган. Шеърда мовароуннаҳрлик шоирлардан ҳеч бирининг шеъри унинг санъаткорона сўзлари даражасига етган эмас. Яхши шеърлари жуда кўп...»<sup>2</sup>

Нисорий «Музаккири аҳбоб»да (1566 й.) девона Ҳусомийнинг асли Хевақдан эканини айтиб, бунинг исботи учун шоир шеъридан бир байтни (Аслам зи шаҳри Хивақ ва ҳоло дар ин диёр, Дарвозаи Отост мақоми мўаййанам) мисол келтиради ва маълумоти охирида Ҳусомий қabri Қорақўлда экани, Ҳусомийни шиаликда айблашгани, аммо унинг шеърларидаги чорёрлар ол-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. илмий танқидий матн. Тайёрловчи Суйима Фаниева. — Т.: ЎзФАН нашриёти, 1961, Б.: 95; Мажолис ун-нафоис. Нашрга тайёрловчи С. Фаниева. — Т.: Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966, Б.: 80.

<sup>2</sup> Сом Мирзо. Тухфайи Сомий. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фонди, №57, Б.: 121 а.

қиши бу айбловни рад этиш учун далил бўла олиши ҳамда «Музаққир аҳбоб»ни ёзиб тугатгач, Ҳусомийни тушда кўргани ҳақида ҳикоя қилади. Тазкирада Ҳусомийнинг қаландарлик ҳаёт тарзига боғлаб, унинг Маккага бориш йўлидаги ўлкалардан бири ҳокимига айтган ҳикматли сўзлари ва 5 байтлик бир газали ҳамда яна 3 та байти ҳавола этилади:

«Девона Ҳусомий Хевақдандир. Шу сабабли ўзи айтган байт:

Аслам зи шаҳри Хивақ, ҳоло дар ин диёр,  
Дарвозаи Отост мақоми муайянам.

(Мазмуни:

Аслим Хивақ шаҳридан, ҳозир бу диёрда,  
Дарвозаи Отодир тутган турғун мақомим).

Ҳусомий беқайдлик (бирор гоё ва ахлоқ меъёрига мансуб бўлмаслик)да ном чиқарган. Бир бор қаландарлар жамоасига кўшилиб, зиёратга кетаётганида, ҳаж йўлидаги вилоятлардан бирининг ҳокими ҳукм бериб: — Девона Ҳусомий, мендан бирон нарса тиланг, — дебди.

Девона дебдики: — Сенинг хайрингга ҳечам эҳтиёжим йўқ. Аммо буюргилки, манави пашшалар менга кўнишмасин!

Ҳоким: — Пашшалар менинг буйруғимга қулоқ осмайди, иложим йўқ, — дебди. Шунда девона Ҳусомий дебдики: — Ҳукмига арзимас пашшалар ҳам қулоқ осмаган киши бировга нима ҳам бера оларди?!

Ҳусомийни шиаликда айблашган, бироқ қасидаларида хулафои рошидин мадҳи бор. Бу ўша қасида жумласидандир. Байт:

Ҳар касе зи ин чор агар як ёрро мункир шавад,  
Ҳамчу шайтон лаънати Ҳақ бод бар вай сад ҳазор.

(Мазмуни:

Ким бу тўрттасидан битта ёрни ҳам этса гар инкор,  
Шайтондек Ҳақ лаънати бўлсин унга минг-минг бор).

Шеърлари қиёмига етган, нафис ва сўзлари ёқимли,  
гузал. Мана бу ғазали дил аҳлининг кўнглига ўтиргандир.  
Ғазал (матлаъи):

Халқ жамъанд ба наззораи чашми тари мо,  
Бурув, эй ашк ва бубар маъракаро аз сари мо.

(Мазмуни:

Намли кўзимиз кўргали халқ жой олмиш қошимиздан,  
Сел бўлиб оқ, эй кўз ёши, кўтар бу йиғинни бошимиздан).

Мавлоно Али Қўчқор айтганди: Шаҳзода Шоҳ Табиб  
ҳар шоир девонидан биттадан байт танлаб юрганида де-  
вона Ҳусомий девонидан эса, мана шуларни ёзиб олган  
экан.

Мазкур ғазалнинг бошқа байтлари:

Ҳамчу хуршид ки тобад зи кабудии фалак,  
Оташи меҳри ту пайдост зи хокистари мо.  
Об аз чашми рақиб ояду пурбаҳр шавем,  
Аз раҳи банданавозий чу даройи бари мо.  
Гарди ғайр аз руҳи мо пок кун, эй сели сиришк,  
То намирему таҳи хок намонад зари мо.  
Чун, Ҳусомий, шудаам подшаҳи мулки суҳан,  
Ба асоси суҳан ораста шуд лашкари мо.

(Мазмуни:

Мовий фалақдан ялтираб турувчи қуёш каби,  
Меҳринг оташи қулимиздан шуъла сочмоқда.  
Рақиб кўзидан қуйилсин сув, сероб бўлайлик,  
Кўнгил сўраш учун келгил, қувончга тўлайлик.  
Бегоналар чангин юзимиздан арит, эй кўз ёши,  
Ўлмай туриб, тупроқ остида қолмай суягимиз.  
Чун, Ҳусомий, эурсен сўз мулкининг шоҳи,  
Сўз пойдевори ила маҳкам эрур лашкаримиз).

Шунингдек қуйидаги мақтаъси ҳам кўп яхши чиқ-  
қан.

**Мақтаъ:**

Чашми пурхуни Ҳусомий манқали пур оташ аст,  
Ҳар тараф мужгон, бар у сихи кабоб аз жигар.

(Мазмуни:

Ҳусомийнинг қонга тўла кўзи чўққа тўла манқал,  
Ҳар ён киприклари жигардан кабоб ўтказилган сих).

Мавлоно Ҳусомий тушда фақирингиздан «тазкиранг-да қайси ғазалимни ёздинг» деб сўради. Камина «юқорида келтирилган ғазалингизни» дедим. Қабри Қорақўлда.

Нисорий «Музақкири аҳбоб» тазкирасининг Абдулазизхонга бағишланган бўлимида «Ҳусомий қаландар»нинг Жомий вафотига атаб ёзган таърих-тўртлигини ҳам келтиради:

Жомий ки бар сипеҳри камол офтоб буд,  
Тасниф қард нусха зи ҳар илм беҳасиб.  
Рафт аз жаҳону монд миёни суханварон,  
Таърихи фавти хештан «ашъори дилфариб».

(Мазмуни: Етуклик осмонининг қуёши бўлмиш Жомий, турли илмлар бўйича сон-саноксиз китоблар битди. Ўзи жаҳондан ўтди-ю, сўзамоллар орасида «дилфариб (дилни ўғирловчи) ашъори»ни вафотига таърих қилиб кетди.)<sup>3</sup>

Дарвишали Чангий «Рисолаи мусиқа»да (1603 й.) Ҳусомийнинг Хивақда туғилиб, вояга етгани ва кейинчалик Қорақўлга келиб яшагани ҳақида маълумот бергач, унинг мусиқа ва адабиётдаги фаолиятига тўхталади. Муаллиф Ҳусомийнинг мусиқа соҳасига оид «Рисолаи мусиқа» ва муаммо жанрига тааллуқли «Рисолаи муаммо» номли асарлари борлигини эслатиб, шоир шеърларидан намуналар

<sup>3</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фонди, №4282, Б.: 54 аб.; Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Таржимон ва кириш сўзи ҳамда изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, Б.: 83 — 85, 310.

ҳам ҳавола этади. Дарвишалининг ҳикоя қилишича, Ҳусомий Қоракўлдан туриб, хожа Аҳрорга хат ёзган, сўнг Самарқандга келиб, Хожа Аҳрор билан Хожа Муҳаммад Даштий Қатағон алайхурраҳма мақбарасида учрашган. Кейин Хожа Аҳрор билан бирга Андижон, Туркистон шаҳарларига сафар қилган. Аҳмад Яссавий мақбараси зиёрати чоғи эса, одамлар Ҳусомий кароматининг гувоҳи бўлишган. Ўшанда Ҳусомий Туркистондан қайтгач, аввал Самарқандга келиб, сўнг Қоракўлга кетган.

Дарвишалининг хабар беришича, Ҳусомийнинг мазкур илмий асарлари билан бирга латофату назокатда тенгсиз битта ўзбекча ва битта форсча шеърӣ девони бўлган.

Дарвишалининг «Рисолаи мусиқа»сида Ҳусомийнинг 29 байтлик бир қасидаси берилган. Ҳусомийнинг шу ерда ҳавола этилган яна бир байти фахрия жанрида ёзилган экан:

Ашъори дилфириби Ҳусомий шинав ки уст,  
Дар мулки шеър Хусраву пири Хўжанд ҳам.

(Мазмуни:

Ҳусомийнинг дилни ўғирловчи шеърларини тингла,  
Ки, у шеър мулкида Хусраву Хўжанд пири ҳамдир).

Муаллиф ёзишича, Ҳусомийнинг қабри Қоракўлдаги «Дарвозаи Дуоб ул-қоф» қабристонидадир.<sup>4</sup>

Абдулла Кобулийнинг «Тазкират ут-тавориҳда»ги (1690 й.) Ҳусомий ҳаёти ва ижодига оид маълумотлари ҳам ўз қийматига эга: «Мавлоно Ҳусомий — сирлари муқаддас бўлсин — таъби яхши, ширин калом ва мажзуб, бош-оёғи яланг тарзда фақр либосида сулукка машғул киши ўтган. Хожа Аҳрор ҳазратлари — сирлари муқаддас бўлсин — унга илтифот назари билан қараганлар ва ўзига ҳамсуҳбат тутишга майлларӣ кўп бўлган. Ҳазрат мавлавий Жомий —

<sup>4</sup> Дарвишали Чангий. Рисолаи мусиқа. ЎзФАШИ, Қўлёзма № 449, Б.: 43 а. — 45 б.

*Аллоҳ руҳларини ёрлақасин* — ва бошқа улуғлар Хусомийни йўқлаб, куришга муштоқ юришаркан. Аммо унинг ҳеч кимга эътибори-ю, ҳеч нарсага иштиёқи бўлмаган. Дилга ўрнашувчи ашъор, қасида ва тенгсиз сўзларининг кўпи хос ва авом ўртасида тула шуҳрат қозонган... Хусомий ҳижрий 897 йил<sup>5</sup> касалланиб, сўнг ўзи Қорақўлга келиб мақом тутган Чўкурдум Ото қабристонидеги (ҳозир бу қабристон халқ тилида «Чибирдон Ота» шаклида ҳам ай-тилади - И.Б.) хонақоҳда вафот этган ва Чўкурдум Отонинг нурли мозори ёнига дафн қилинган».<sup>6</sup>

Саййид Роқим эса, «Торихи Роқим» (1690 й.) асарида Хусомийнинг асли Хивақ вилоятидан бўлиб, кейинчалик Қорақўлга келиб ватан тутгани ҳақидаги тўртлигини тўлиқ ҳолда ҳавола этади:

Ман булбули диёри Қароқўл гулшанам,  
Дур аз мақоми асли худ наъра мезанам.  
Аслам зи шаҳри Хивақ, ҳоло дар ин диёр,  
Дарвозаи Отай мақоми муайямуи.

*(Мазмуни*

Мен гулшан диёр Қароқўл булбулиман,  
Асл юртимдан узоқда наъра тортмоқдаман,  
Аслим Хивақ шаҳридан, ҳозир бу диёрда,  
Дарвозаи Отодир тутган турғун мақомим).

Саййид Роқим яна ёзади: «...Хусомий кўп йиллар Хожа Аҳрор ёнида бўлган. Унинг ғоятда латофатли ва ниҳоятда назокатли бир девони бор... Хусомий ҳижрий 911 йили рабиулохир ойи<sup>7</sup> жума куни вафот этган. Шоирлар Хусомий вафоти муносабати билан кўплаб таърих айтишган...»<sup>8</sup>

<sup>5</sup> 897 йил — 1491 йил 4 ноябрь — 1492 йил 22 октябрь оралиғи.

<sup>6</sup> Абдулло Кобулий. Тазкират ут-таворих. ЎзФАШИ, Қўлёзма №2093. Б.: 154 аб.

<sup>7</sup> 911 йил рабиулохир — 1505 йил 1 сентябрь — 29 сентябрь оралиғи.

<sup>8</sup> Саййид Роқим. Торихи Роқим. ЎзФАШИ, Қўлёзма №3623, Б.: 209 — 211.

Лутфалибек «Оташкадаи Озар»да (1770 й.) ёзади: «Ҳусомийнинг асли Хоразмдан. Аммо кўпинча Мовароуннаҳрнинг Қоракўлида яшаган ва Ҳусомий Қоракўлий нисбаси билан танилган. Софмашраб ва дарвиш киши бўлган. Айтишларича, 63 йил давомида эгнидаги капанакни фақат икки марта алмаштирган. У яшаб турган зовия султонлар келиб-кетадиган зиёратгоҳга айланган экан. Ҳусомий Қоракўлда ҳижрий 912 йили<sup>9</sup> Худо раҳматига етишган. Айтишларича, Муҳаммад Шайбоний Хуросонни эгаллаш учун йўлга чиққанида бир неча аёнлари билан Ҳусомийни кўргани борган. Дарвиш эса, унга мутлақо рўйхушлик бермай, ўз мураққаъсини ямаш билан машғул бўлган...Ва ушбу қитъани бадиҳа тарзида айтган:

Ҳусомийро зи шоҳони мажозий нест парвое,  
Чаро к-зи бахияҳои жанда у ҳам лашкаре дорад.

(Мазмуни:

Ҳусомий бу дунё подшоҳларига ҳеч қилмас парво,  
Чунки жандаси ямоқларидан унинг ҳам қўшини бор).<sup>10</sup>

— дея маълумот бераркан, шу ерда Ҳусомий шеърларидан яна 4 байтини намуна сифатида келтиради:

Ҳар кас гузарад бар сари он куй кушандаш,  
Зинҳор, Ҳусомий, нарасу магузар аз онжо.

(Мазмуни:

Ким ўтса ул кўча бошидан ўлдирар эмишлар,  
Эҳтиёт бўл, Ҳусомий, у ерга бориб, ўтмоқ эрсанг).

---

<sup>9</sup> 912 йил — 1506 йил 24 май — 1507 йил 12 май оралиғи.

<sup>10</sup> Лутфалибек бин Оқохон Озар Бекдили. Оташкадаи Озар. Нашрга тайёрловчи Мирҳошим Муҳаддис. — Техрон: Амир Кабир нашриёти, ҳ.ш. 1378, Б.: 285 — 286.

\* \* \*

Ҳамчу най дар ғами у чеҳраи зарде дорам,  
Гар банолам ажабе нест ки дарде дорам.

(Мазмуни:

Ёр ғамида қамишдек сариқ юзим бор,  
Нола чексам не ажаб, чун дардим бор).

\* \* \*

Аз ҳар че ба у майл дили ғофили мост,  
Жўз ҳайрату ҳасрат че дигар ҳосили мост.  
Субҳоноллоҳ, ҳама хушиҳойи жаҳон,  
Гўё ки барои нохушии дили мост.

(Мазмуни:

Унга интилган нарса ғофил дилимиз эрур,  
Ҳайрату ҳасратдан ўзга не ҳосилимиз бор.  
Субҳоноллоҳ, жаҳоннинг барча хуш нарсаси  
Гўё бизнинг дилимиз нохушлиги учундир).

Хожамқулибек Балхийнинг «Тарихи Қипчоқхоний» асарида эса, Шайбонийхон Хоразмга юриши пайти Ҳусомий ҳузурига боргани, Ҳусомий хон кириши билан хонақоҳдан индамай чиқиб кетиб, анчадан сўнг қўлида калла суягини ушлаганча кириб келиб, уни овқат, дея Шайбонийхон олдига қўйгач, хон одамлари пирнинг бу ишини галаба башоратига йўйишгани ҳикоя қилинади.<sup>11</sup>

«Жомеъ ат-таворих»да (XVII) Ҳусомийнинг Шайбонийхон томонидан хожа Яҳё бин хожа Аҳрорнинг ўлдирилиши тилга олинган таърихи ҳавола этилган:

Чароғи хонайи дин, хожа Яҳё,  
Ки бо илми шариат буд моҳир.

---

<sup>11</sup> Хожамқулибек Балхий. Тарихи Қипчоқхоний. ЎзФАШИ Қўлёзма №4468, Б.: 100б.



Чу омад дар миён моҳи муҳаррам,  
Шаҳиди пок шуд он шайхи зокир.  
Маро аз баҳри таърихи вафоташ,  
«Дари хонаи Убайд» омад бахотир.

(Мазмуни: Дин уйининг чироғи бўлмиш хожа Яҳё шариат илмида моҳир эди, муҳаррам ойи келиб, Оллоҳ зикрини қилувчи бу шайх покларча шаҳид бўлди ва унинг таърихи учун эсимга Убайдулла хожа Аҳрор уйи тушди.)<sup>12</sup>

Бу шеър охиридаги таърих моддаси «905» сони бўлиб, ҳижрий 905 йил муҳаррам (1499 йил август) ойига тўғри келади.

Мутрибий Самарқандий «Тазкират уш-шуаро»да XVI аср иккинчи ярми шоирлари ҳам девона Ҳусомий шеърларига татаббуъ ёзганларини мисоллар билан қайд этиб кетган. Ҳатто у тазкирасининг бир ерида Ҳусомий ғазалини Жалолоддин Румий асари сифатида ҳавола этади.

«Дар жаҳон эй ёракон албатта бояд ёраке,  
Нозукак, хубак, латифак, дилбарак, дилдораке»  
матлаъси билан бошланиб,

«Вақти он омад Ҳусомиддин хамеш кун даҳанаке,  
Саҳмгинак, Қутбиддинак, Шамси беағёраке»

— мақтаъси билан якунланувчи бу ғазал Ҳусомийнинг девонидан жой олиб, у бизгача тўлиқ етиб келган ва ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланувчи 159/IV рақамли баёзда жой олган. Бундан беҳабар эронлик олим Али Аъло Марвдаштий Мутрибий «Тазкират уш-шуаро»сининг Техрон нашрига (1998) ёзган сўзбошисида «Румийнинг куллиёт девонида бундай ғазал йўқлиги»ни ажабланиш билан таъкидлайди.<sup>13</sup> «Тазкират уш-шуаро»-

---

<sup>12</sup> Жомеъ ат-таворих. ЎзФАШИ Қўлёзма №1900/XXII, Б.: 318.

<sup>13</sup> Мутрибий. Тазкират уш-шуаро. ЎзФАШИ Қўлёзма №2253, Б.: 52 а.б.; Бу ҳақда яна Қаранг: Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжонов. — Тошкент: «Mumtoz so'z», 2013, Б.: 40.

га янглиш ҳолда Жалололидин Румийники ўрнида кириб қолган Ҳусомий газали эса қуйидагича:

Дар жаҳон, эй ёракон, албатта бояд ёраке,  
Нозукак, хубак, латифак, дилбарак, айёраке.  
Шоҳидак, шангак, малиҳак, дилрабоjak, мушфиқак,  
Оқилак, соҳиби вафояк, резакак, пуркораке.  
Орифак, зийрак, надимак, чобукак, сиймин танак,  
Турфакак, шўҳак, назифак, саркашак, дилдораке.  
Нозанинак, сарвиқаддак, гулруҳак, сийминбараке.  
Анбарин холак, хушак, мишкин хаттак, таррораке.  
Лола руяк, жаъд муяк, му миёнак, фарбаҳак,  
Сархушак, мастак, ҳарифак, ошиқак, ғамхораке.  
Соқияк, шаккарлабак, ширин даҳонак, сархушак,  
Турфакак, нағзак, зарифак, хуш хузурак, ёраке.  
Вақти он омад, Ҳусомиддин, хамеш кун Румияк,  
Зи онки ҳар жо ёраке бошад, бувад ағёраке.  
[Саҳмгинак, Кутбиддинак, Шамси беағёраке.]<sup>14</sup>

*Мазмуи:*

Жаҳонда, эй ёргиналар, керакдур биттагина ёргина,  
Нозиккина, хўбгина, латифгина, дилбаргина, айёргина.  
Гўзалгина, нафисгина, малиҳгина, дилрабогина,  
мунисгина,  
Оқилгина, вафодоргина, ихчамгина, ишчангина.

Орифгина, зийраккина, улфатгина, чаққонгина,  
оқбадангина.

Турфагина, шўҳгина, озодагина, ўжаргина, дилдоргина.  
Нозанингина, сарвқадгина, гулруҳгина, оқтангина,  
Қораҳоллигина, хушгина, лаби усти майсагина,

дил ўғрисигина

Лолаюзгина, жингалак сочгина, хипча белгина,  
билқ-билққина,

<sup>14</sup> Ҳусомий газалининг охири сатри 159/IV рақамли блезда шундай келган.

Сархушгина, мастгина, мунисгина, ошиққина,  
гамхўргина.

Соқийгина, шакарлабгина, ширин оғизгина, хушёргина,  
Хилма-хилгина, нағзгина, нозиккина, хуш ҳузургина,  
ёргина.

Хусомиддин, Румийгинани жим қилиш вақти етди,  
Чунки қайда ёргина бўлса, албатта, у ерда бор ағёргина.

Мутрибий «Тазкират уш-шуаро»нинг Хожа Калонхожа номи билан танилган ва шеърдаги тахаллуси Аминий бўлган ҳазрат Абу Муҳаммад Даҳбедий бин мавлоно Хожагий Косонийга бағишланган бўлимда валийлар кароматини ёритиш муносабати билан Хусомий шеърдан бир намуна келтиради: «...Ҳа, бундай (ғайри табиий) ишларнинг юзага чиқиши Худо авлиёси учун истисно нарса эмас. Чунки алар қалбининг афзаллик хислати сидқу сафо билан сайқал топган. Сидқу сафо воситаси билан эса, дуо ўқи муддао нишонига аниқ тегади ва аларнинг тилагу мақсадлари кибриё саройидан кўз очиб юмгунча муяссар бўлади. Шоир Хусомий демиш, байт:

Дилро агар ту хонаи сидқу сафо куни,  
Ҳақ мекунад қабул ҳар онче дуо куни.

(Мазмуни:

Дилни айласанг манзил сен сидқу сафога,  
Тилагинг бўлиб қабул, етарсан муддаога).<sup>15</sup>

Шунингдек, Мутрибий узига замондош Ибн Ямин - Огаҳий Шибирғонийнинг Хусомий ғазалига татаббуъ ёзганини қайд этади. «Ибн Ямин мулло Хусомийнинг мана бу матлаъли ғазалига яхши жавоб битганлар. Хусомий:

Халқ жамъанд ба наззораи чашми тари мо,  
Бўрув, эй ашк, бўбар маъракаро аз сари мо».

<sup>15</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Б. 71.

<sup>16</sup> Ўша нашр. Б. 117.

(Мазмуни:

Намли кўзимиз кўргали халқ жой олмиш қошимиздан,  
Оқ, эй кўз ёши, кўтар бу йигинни сен бошимиздан...<sup>16</sup>

Хусомий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар Ма-  
лиҳо Бадеъ Самарқандий қаламига мансуб «Музаккир  
ул-асҳоб» (1680) тазкирасида ҳам ҳавола этилган. Кўплаб  
баёз-тўпламларда ҳам шоир шеърларидан айрим наму-  
налар учрайди.

1862 йилда Хоразм ва Бухорога мусулмон дарвиши  
қиёфасида келган европалик олим Ҳерман Вамбери  
Хусомий девонлари ва бошқа илмий асарларини қўлга  
киритар экан, Хусомийнинг мусиқа соҳасидаги фаоли-  
ятига юксак баҳо берган.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср боши Хоразм ада-  
бий муҳитининг забардаст вакили Комил Девоний ўзи-  
нинг бир газалида Хусомийни ижодда маънавий устоз-  
лар қаторида кўрсатиб ўтган эди.

Хусомий ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳозирги замон олим-  
лари ҳам у ёки бу муносабат билан фикр билдирганлар.

Бу каби фикрлардан биринчилари Дарвишали Чан-  
гийнинг «Рисолаи мусиқа» асарини тадқиқ этган Фит-  
рат ва сўнгроқ ўша асарнинг бир қисмини ўрганган ака-  
демик А. Семёнов томонидан билдирилди.

Дарвишали Чангийнинг «Рисолаи мусиқа» асарини  
кенг илмий тадқиқ доирасига тортиб, бу форсча асар-  
ни рус ва ўзбек тилларига таржима ҳам қилган ўзбек  
олимаси Дилбар Рашидова ўз илмий ишида Дарвиша-  
ли Чангийнинг Хусомий ҳақидаги маълумотини ҳам  
таҳлил этди.<sup>17</sup> Сўнгроқ мазкур фикрларини матбуотда  
ҳам Хожа Аҳрор ҳақида ёзилган мақоласида эълон  
қилди.<sup>18</sup>

<sup>17</sup> Рашидова Д. Дарвиш Али Чанги и его трактат о музыке (Ма-  
вераннахр, XVI — XVII вв.) Автореф...канд. искусс. — М.: 1982.

<sup>18</sup> Дилбар Рашидова. Истеъдоллар раҳнамоси//Ўзбекистон ада-  
биёти ва санъати. 2005, август сони.

Тожик олими Усмон Каримов XVI аср тожик адабиётини ўрганиш жараёнида қомусий хусусиятга эга ёзма манбаларга мурожаат қиларкан, ҳар қадамда Ҳусомий номини учратиб, шеърӣ девонлари ҳозирча топилмаган бу ижодкор ҳақида махсус сўз юритилмаётганидан қуюнади.<sup>19</sup>

Тожик олими Усмон Назиров ҳам ўқувчиларни Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкирасидаги Жомий ҳақидаги маълумотлар билан таништирар экан, ўша асардаги шоир Ҳусомийнинг Жомий вафоти муносабати билан ёзган таъриhini ҳам келтиради.<sup>20</sup>

Туркман олимлари ҳам Ҳусомий ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб, бу борада ўз илмий иш ва мақолаларида «Оташқадаи Озар» тазкираси маълумотлари бўйича фикр билдирдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистонда нашр этилган қомусларда ҳам Ҳусомий ҳақидаги кичик маълумотномалар ўрин олди. Туркияда нашр этилган «Қомус ул-аълум»да (1896) ҳам Ҳусомий ҳаёти ва ижоди таништириб ўтилган.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкираси ва бошқа ёзма манбалар маълумотлари асосида Ҳусомий туғрисида мақолалар ҳамда мазкур тазкира таржимаси асосида Нисорийнинг Ҳусомий ҳақидаги маълумотига чоғроқ изоҳ ёзди.<sup>21</sup>

Хоразмлик шоир ва драматург Комил Аваз Дарвишали Чангий маълумотига суяниб, Ҳусомий ижодининг муси-

---

<sup>19</sup> Усмон Каримов. Адабиёти тоҷик дар асри XVI. — Душанбе: Дониш, 1985, С.: 160.

<sup>20</sup> Усмон Назиров. Гавҳари кони дониш. — Душанбе: Адабиёт ва санъат, газета, 1988, №42, 20 октябрь.

<sup>21</sup> Исмоил Бекжонов. Навоӣ назари тушган шоир//Коммунизм байроғи (Ҳазораспнома), 1988, 10 апрель; И. Бекжонов. Жомий ҳақида Нисорий маълумотлари//Адабий мерос, Жомийнинг 575 йиллигига бағишланган махсус сон, 1989. Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Исмоил Бекжон таржимаси. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.; Исмоил Бекжонов. Ошиқ Ҳусомий//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011, 1 апрель.

қага тааллуқли қирраси борасида сўз юритди ва унинг Жомий билан бу соҳада ҳамкорлиги масаласига тўхталди.<sup>22</sup>

Қорақўллик фидойи журналист Саъдулла Ғайбуллаев Ҳусомий ҳаёти ва ижоди борасида сўз юритиб, мавлононинг халқ қадамжосига айланиб қолган қабри ва унинг бугунги кундаги ҳолати тўғрисида мароқли маълумотлар берди.<sup>23</sup>

Эслатиб ўтиш лозимки, ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида Ҳусомиддин Ҳусомий тахаллуси билан форсча ёзилган шеърлардан иборат битта девон мавжуд бўлиб, ундаги шеърлар ғоявий-бадий хусусиятлари жиҳатидан Ҳусомий-Қорақўлий асарларидан фарқ қилади. Асосийси, улар орасида Ҳусомий-Қорақўлийнинг тазкира, тарих, қомусий асарларда ҳавола этилган шеъринг намуналардан биронтаси ҳам учрамайди.

Ўша фондда 159 рақами остида сақланувчи баёздаги асарлар эса, шубҳасиз, Ҳусомий-Қорақўлийга тааллуқли бўлиб, унда шоирнинг битта 15 байтлик мадҳи, 22 та ғазал ва 22 байтлик муножоти ўрин олган. Бу баёз 1855 йили Бухорода Мунириддин Абулшараф Муҳаммад ал-Ҳусайний бин Умар ал-Бухорий суммал-Булғорий томонидан тузилган. Бухоро ҳукмдорларидан Амир Ҳусайн хизматида турган ва сўнг Насруллоҳхон даврида яшаган хаттот Мунириддин Абулшараф Муҳаммад ал-Ҳусайний шу қўлёзманинг 31-а. бетидagi кириш сўзида бу ҳақида аниқ хабар берган. Мунириддин Абулшараф ёзишича, у бир неча кун давомида «афсаҳ уш-шуаро (шоирларнинг энг фасоҳатлиси)» Ҳусомийнинг девонини ўқиш бахтига муяссар бўлган ва улардан анчагинасини мазкур баёзига киритишни лозим топган.

Тузувчи Ҳусомийнинг дарвишлик ҳаётига ҳам баҳо бериб ўтади. Қолаверса, баёздаги бу ғазаллар орасида Сом

<sup>22</sup> Комил Аваз. Камтарлик саодати.//Огаҳийга армуғон. — Урганч: Хоразм, 2009. Б.: 122.

<sup>23</sup> С. Ғайбуллаев. «Қумликлар бағрига яширинган тилсимлар». — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013.

Мирзо, Нисорий, Дарвешали Чангий, Мутрибий, Саййид Роқим, Сомибей ҳавола этган айрим намуналар ҳам учрайди. ЎзФАШИ қўлёзма асарлари каталогигадаги (СВР, VI) тавсифда ҳам баёздаги ғазалларнинг девона Ҳусомий қаламига мансублиги қайд этилган.

Ҳусомий ғазалларининг бир қанчасида шоир ғояси тасаввуфий-ирфоний тушунча, рамзий маъно, сўфиёна истилоҳлар воситасида ва Яъқуб пайғамбар, Шоҳи Араб (ислом пайғамбари) ҳамда Шамси Табризий, Жалолиддин Румий, Жомий, Хожа Аҳрор каби буюк сиймоларга мурожаат орқали ёритилган. Ишқ мавзусидаги сатрларда Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Хусрав Парвиз, Вомиқу Узро ва Мансури Халлож образлари қатнашади.

Ҳусомий ўзининг қаландарлик маслағи хусусида қуйидагича ёзади:

Хотир мехост аз халқи жаҳон бегонагий,  
Хешро андохтам дар олами девонагий.  
Кай тавонам ошно шуд бо шумо, эй зоҳидон,  
Ман ки дорам аз жунун бо хеш ҳам бегонагий...  
Зоҳиди хилватнешин гуяд зи мардонам, вале,  
Кай чу шаҳбозон бувад парвози мурғи хонагий...  
Сўфиёнро дар самоъ аз даст афшондан че суд,  
Чун намедонанд дасти ростро аз дасти чап...

(Мазмуни: Қўнгил жаҳон аҳлидан бегона бўлмоқни истади, шунинг учун ўзни телбалик оламига урдим. Эй зоҳидлар, ахир мен сизлар билан қандай қилиб ошно тутинай, телбалик сабаб мен ўзимдан ҳам бегонаман... Узлатда ўтирган зоҳид худо эранлариданмен дейди, қизиқ, товўқнинг учиши қачон лочинлар парвозига ўхшаган экан... Сўфийларнинг зикру самоъда қўл силкишларидан не нафъ, ахир улар ўнг қўлдан чап қўлнинг фарқини ҳам билмайдилар-ку...).

Ҳусомий рамзий маъно, сўфийлик истилоҳлари орқали шариат фарзларидан бири — рўза шартларига риоя қилмай ҳам, Оллоҳни қалбан севиш мумкинлиги, рўза

улуғлигининг асл сабаби эса, қадр кечасининг жонона тим қора сочига ўхшашлиги хусусидаги қарашларини қуйидагича баён этади:

Рўза меояд ки бар бандад дари майхонаро,  
Рафтанаши аз омадан беҳтар мани девонаро...  
Ҳеч дони рўза таъзим аз баҳри чи ёфт?  
Бо шаби қадр аст нисбат туррайи жононаро...

(*Мазмуни:* Майхона [яъни Аллоҳ эранлари дили] эшигини бекитиш учун рўза келмоқда, мен телба учун унинг келишидан кўра кетиши яхшироқ. Биласанми, рўза нима сабабдан халқ эъзозини топган, чунки рамазон ойидаги қадр оқшоми жонона [яъни ислом пайғамбари]нинг қора зулфи [яъни сўфий қалбига қувонч бағишловчи илоҳ сирлари]га ўхшайди...)

Ҳусомий қаландарлик йўлига кирган кишининг шариат илмгоҳи — мадраса, сўфийлар таълимоти маскани — хонақоҳларда ўтказиладиган баҳс-тортишувларга ҳафсала-тоқати йўқлиги, аммо гоҳида ёшлиги эсига тушиб, баҳс-мунозарани ҳам қўмсаши борасида ёзади:

Эй он ки, пеши мо биншини барои баҳс,  
Бархезу рав ба мадраса, онжост жойи баҳс.  
Ҳар гаҳ ки ёди мадраса кардам Ҳусомийё,  
Парвоз кард мурғи дилам дар ҳавойи баҳс...  
Касе ки худ назараш тоқи абруйи ёр аст,  
Зи тоқи мадрасаву хонақоҳ безор аст...

(*Мазмуни:* Олдимизда баҳсга киришиш учун урнашиб ўгирган одам, тур ва мадрасага бор, чунки, баҳслашадиган жой ўша ердир... Эй Ҳусомий, мадрасани ёдимга солган чоғим, кўнгил қушим гоҳи баҳс-тортишувларни ҳам қўмсаб қолади... Ёр қоши-ёйи [яъни Аллоҳ ёди қувончи]га назар солувчи одам, Мадраса-ю, хонақоҳ пештоқидан безордир...).

Айрим ғазаллари Жалолиддин Румий ижоди таъсирида



бевосита бу улуг шоир газалларига татаббуъ тарзида яратилган. Бошқа шеърлари мавзуси ҳам ранг-баранг ва юксак бадий маҳорат билан битилган. Шоир шеърларида Низомий, Шамси Табризий, Хусрав Деҳлавий, Камол Хўжандий, Жомий, Хожа Аҳрор исмлари аниқ тарзда тилга олинади ва Ганжа, Табриз, Бардаъ, Хўжанд, Шаҳрисабз шаҳарлари номлари қайд этилади. Бу каби асарлар ичида *тақриб*, *фаҳрия* жанридаги намуналар учрайди:

Ҳусомий, ту гирефти назар зи муршиди Табриз,  
Фуломи табъи ту гардад ҳакими Ганжаву Бардаъ...  
Эй боди сабо, гар бираси жониби Табриз,  
Овар хабар суйи ман аз жониби Бардаъ...  
Ашъори дилфириби Ҳусомий шинав, ки уст,  
Дар мулки шеър Хусраву пири Хўжанд ҳам...

(*Мазмуни*: Ҳусомий, Табриз муршиди (Шамси Табризий)дан назар топибсен, Энди табъинг қулидир Ганжа-ю, Бардаъ донишманди (Низомий). Эй сабо, Табриз шаҳри томон эссанг, Бардаъ тарафлардан мен сари хабар келтир... Ҳусомийнинг дил ўғирловчи шеърларини эшит, У шеър мамлакатида Хусрав<sup>24</sup> (Амир Хусрав Деҳлавий) ва Хўжанд пири (Камол) ҳам эзур...)

Айрим шеърлари ижтимоий оҳанг касб этган:

Намеравам, чу Ҳусомий, ба суйи мансабу жоҳ,  
Ки майл нест диламро ба корҳои қабиҳ...  
Халқ жамъанд ба наззорайи чашми тари мо,  
Бўрув эй ашк, бубар маъракаро аз сари мо...

(*Мазмуни*: Ҳусомий, қўймам қадам мансабу амал сари, чун дилимда паст ишларга йўқ ҳеч иштиёқ... Намли кўзимиз томошаси учун одамлар йиғилибди, Сел бўлиб оқ, эй кўз ёши, кўтар бу йиғинни бошимиздан)...

---

<sup>24</sup> *Хусрав* — подшоҳ; бу ерда Амир Хусрав кўзда тутилган ҳолда сўз ўйини қилинмоқда.

\* \* \*

Соз берун, эй Ҳусомий, панбаи ғафлат зи гуш,  
То шави бар дори ишқаш ҳамчу Мансури Халлож.

(*Мазмуни:* Эй Ҳусомий, қулоғингдан ғафлат пахтасини олиб ташла, То ёр ишқи дорида Мансури Халлож каби бўлгайсен)...

Олами об ки берун барад аз дил ғамро,  
Ғам надорем агар об барад олавро.

(*Мазмуни:* Сув олами чиқарар эрмиш дилдан ғамни, Ғамимиз йўқ, агар сув босса оламни).

Гарчи сўфиёна истилоҳлар билан ёритилган бўлсада, ишқ мавзуси табиат манзараси уйғунлигида тараннум этилади, баҳор, ёр васфи ва висол саодати, ҳижрон азоби қабилар эса, ўйноқи сатрларда баён қилинади:

Омад баҳору ҳар тараф гулҳо шукуфт аз хорҳо,  
Мар булбулони ғамзада шуд хорҳои гулзорҳо...  
Бе илтифот қотилам, девонагий шуд ҳосилам,  
Меояд афғони дилам аз кўчаву бозорҳо...  
Кунун ки, вақти гулу мавсуми баҳорон аст,  
Биёр бода ки вақти ҳузурӣ ёрон аст.  
Ғиғони қумри-ю, булбул зи ҳар канораи боғ,  
Зи ишқи сарви гулу рўи гулузорон аст...  
Хоки пойи уст дар дасти сабо,  
Ҳар че меояд ба чашмам тўтиё.  
Сидқ агар хосайи туркон бувад,  
Турки ман ҳам сидқ дорад, ҳам сафо.

(*Мазмуни:* Баҳор келиб, ҳар ён тиканда гуллар очилибди, нима, ғамли булбуллар гулзор тиканлари устида нола чекмоқдами... Илтифотсиз қотилим, телбалик ҳосилим, Дилим ғиғони келур кўча-ю, бозордан... Гул вақти-ю, баҳор мавсумидир бу кун, Бода келтир, дўстлар ҳузурӣ ғанимат бугун. Қумри-ю, булбул ғиғони боғ аро, Сарвиғулу гулзузликлар ишқи туфайлидир. Ёр оёғининг

чанги сабо қўлидадур, Не келтирса ул ел кўзимга тўтиё.  
Туркларга тўғри сўзлик хос эрса, менинг турк (гўзал)  
ёримда ҳам тўғрилик, ҳам софлик мужассам).

Ҳусомийнинг қуйидаги ғазали тасуввуфона оҳангда  
рамзий истилоҳлар орқали инсоннинг Яратгувчига нис-  
батан ҳайрати (муҳаббати)ни англатади.

Гуфтамаш: дар шаҳр чун чашми ту як бебок нест.

Гуфт: агар бебокй ояд зиы мастон бок нест.

Гуфтамаш: аз сухтан арбоби жаннат фориғанд.

Гуфт: дар жаннат магар он руйи оташнок нест?

Гуфтамаш: ба доғи ишқат хирқайи сўфий аст пок.

Гуфт: агар сад бор мешуянд уро пок нест!

Гуфтамаш: даъвои рухсори ту дорад офтоб.

Гуфт: он саргаштаро як заррае идрок нест.

Гуфтамаш: хоки сари кўят киёнанд ин замон?

Гуфт: ҳоло чун Ҳусомий касе ба кўям хок нест.

(Мазмуни:

Дедим: шаҳр аро кўзлари сен каби бебок<sup>25</sup> йўқ.

Деди: мастлардан бебоклик келса ҳеч бир бок<sup>26</sup> йўқ!

Дедим: куймақдан жаннат аҳли озод эрур.

Деди: жаннатда магар ул юзи оташнок йўқ?

Дедим: ишқинг доғидан сўфи хирқасидир пок.

Деди: юз бор ювсалар ҳам бўлмас ул пок, йўқ!

Дедим: юзинг даъвосин қилмоқда-ку офтоб.

Деди: ул саргаштада чун бир зарра идрок йўқ.

Дедим: кўчанг тупроғи кимлар эрур бу айём?

Деди: Ҳусомийдек бу дам кўйимда бир хок йўқ!

*Бебок — шўх; бок — ажабланиш.*

Хуллас, XV асрнинг биринчи ярмида Хивада дунёга ке-  
либ, улғайгач эса, Қорақўлда умр ўтказган кўйи, Ўрга Осиё  
халқлари маданий-маънавий, жумладан, адабий ҳаётида  
фаол қатнашган ва халқ эъзозига эришиб, 1505 йили Қора-  
қўлда вафот этган шоир Ҳусомий адабий меросини ўрга-  
ниш навбатдаги вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

## ҲУСОМИЙ ИЖОДИДАН АЙРИМ НАМУНАЛАР

Омад баҳору ҳар тараф гулҳо шукуфт аз хорҳо,  
Мар булбулонро ғамзада шуд хорҳои гулзорҳо.  
Он рашки насрину суман то пой монда дар чаман,  
Шуд риштаҳои жони ман пирохани ман торҳо.  
Бе илтифот қотилам, девонагий шуд ҳосилам,  
Меояд афғони дилам аз кучаву бозорҳо.  
Гар аз жафокори ҳуд дармондаам дар кори ҳуд,  
Ранжидан аз дилдори ҳуд натвон ба ин миқдорҳо.  
То аз ғами бечорагий ҳудро кашам якборагий,  
Дами дари кучаи майхорагий ўфтадаам бисёрҳо.  
Гуфтам ба пеши он даҳан аз ғунчаву гул як сухане,  
Кас нест дар олам чун ман муставжиби озорҳо.  
Он к-зи турунжи ғабғабаш дил берун омад ба даҳанаш.  
Дар танги аз лаъли лабаш тунги шакар шуд морҳо.  
Ҳамчун Ҳусомий дар сафар аз ҳурдани хуни жигар,  
Кай бувад мақсудам дигар жўз дидани дийдорҳо.

### *Мазмуни:*

Баҳор келди-ю, ҳар тарафда тикандан унди гуллар,  
Гулзор тиканлари дастидан тилга кирди булбуллар.  
Ул насрину суман рашки чаманга қўйган пайт оёқ,  
Жоним иплари бўлди қўйлагим торидек жул-жуллар.  
Илтифотсиздир қотилим, девоналик бўлди ҳосилим,  
Дилим фиғони келар кучаву бозордан тун-кунлар.  
Жафокорим қилиқларидан, ҳайратда қотган эрсам гар,  
Ўз дилдоридан кўп ранжимоқ солар бошга мушкуллар.  
Бечоралик ғамидан ўзим четга олай деган чоғларим,  
Майхона эшиги олдида йиқилиб қолдим буткуллар.  
Ул оғиз олдида ғунчаву гулдан дедим бир оғиз сўз:  
Оламда бормиқин мен каби озор ишига мақбуллар.  
Бақбақаси қатидан дили оғзига келган ул гулнинг,  
Лаби тўқди шакаридан нозик идишга мўл-қўллар.

Сафар чоғи Ҳусомийнинг ўз бағри қонини ичишидан,  
Мақсади эрур фақат ёр дийдорига етмоқ буткуллар.

\* \* \*

Кунун ки вақти гулу мавсуми баҳорон аст,  
Биёр бода ки вақти ҳузури ёрон аст.  
Зи ноби май ба рухи дилбарон арақ бингар,  
Чу барги гул ки бар у қатраҳои борон аст.  
Фигони қумри-ю булбул зи ҳар канораи боғ,  
Зи ишқи сарви гулу руйи гулуъзорон аст.  
Қасам ба чашмат ва жоҳу жалоли пири муғон,  
Гу: пири савмаъ фардо зи шармсорон аст.  
Агар ба сина рақиби ту сад алаф дорад,  
Ҳамон ҳикояти Заҳхоку ҳарфи морон аст.  
Ҳусомий, маншин, гар нештаи бар хез,  
Аз ин чаман ки нашиманғаҳи ҳазорон аст.

*Мазмуни:*

Гул вақти-ю, баҳор мавсуми бўлмиш бу онлар,  
Бода келтир-ки, бизни кутмоқда дўст, ёронлар.  
Май аччигидан дилбарлар юзида қатра терлар,  
Ёмғир томчиси гул баргида тутгандек маконлар.  
Қумрию булбул боғнинг ҳар бурчагида чекар,  
Сарви гулу гул юзликлар ишқидан дод-фигонлар.  
Кўзингга қасам, муғлар пири шавкатига онтким,  
Савмаъ пири эрта қиёмат бўлур шармсоронлар.  
Гар рақибинг кўксида бўлса юз минг ўт-алаф,  
Яна ўша Заҳхоқ ҳикояси-ю, тагин ўша илонлар.  
Ҳусомий, ўтирма, ўтирган эсанг, тур бу чамандан,  
Ки эрур у сендек неча минг-мингларга маконлар.

\* \* \*

Қанд мегуйи лаби шакарфишони хешро,  
Ҳеч карди, эй пари пайкар, даҳони хешро.  
Новакат ғайри аз дилам жое намегирад қарор,  
Дуст медоранд мурғон ошиёни хешро.  
Доғҳои синаи худро намешуям зи ашк,  
Медиҳам аз чашм обе гулистони хешро.  
Тавсани ишқи ту роми ман намешуд ҳечгаҳ,  
Гар ба дасти ақл меодам инъони хешро.  
Эй ки, мегуйи ба лаълаш, ошиқии мо бар қаддаш,  
Дуст медорам ба жон сарви равони хешро.  
Эй Ҳусомий, гар рави майхона бо арбоби ақл,  
Жаҳд кун, то ўзрҳои ҳамзабони хешро.

*Мазмуни:*

Қанд дейсан шакар сочувчи қизил лабинг,  
Эй пари қоматли ёр, бекитибсан-ку оғзинг.  
Кипригинг дилимдан ўзга ерда топмас қарор,  
Яхши кўришар-да қушлар ўз ошиёнини.  
Кўксим яраларини кўз ёшим-ла ювмасмен,  
Кўз ёшим-ла суғорармен ўз гулистонимни.  
Ишқинг тавсани тутқич бермас менга ҳеч,  
Гар ақл қўлига берсам мен ўз жиловимни.  
Эй лабини мақтовчи, биз қоматига ошиқмиз,  
Жондан севармен ул ўз сарви равонимни.  
Эй Ҳусомий, ақл аҳли билан майхонага борсанг,  
Жаҳд айла ўз ҳамзабонингдан узр сўрамоққа.

\* \* \*

Хоки пойи уст дар дасти сабо,  
Ҳар чи меояд ба чашмам тутӣё.  
Сидқ агар чи хосаи туркон бувад,  
Турки ман ҳам сидқ дорад, ҳам сафо.  
Баски ишқи у маро девона сохт,  
Фориғам аз суҳбати шоҳу гадо.  
Нест жуз таърифи сарви қадди у,  
Сидраро ҳар кас ки гуяд мунтаҳо.  
Эй бутон, то кай рақибонро кушед,  
Мекашам худро ман аз қаҳри шумо.  
Эй Ҳусомий, зардруйи мекашам,  
То шувам бо сабзхатте ошно.

*Мазмуни:*

Ёр оёғи чангини қўлида тутмиш сабо,  
Не келтирса у, кўзимга бари эрур тутӣё.  
Вафо агар туркларга бўлса хос иш,  
Менинг туркимда ҳам вафо бор, ҳам сафо.  
Ёр ишқи мени шунчалик девона этмиш, ки  
Хаёлимга келмас ҳеч суҳбати шоҳу гадо.  
Ёрнинг сарви қадди таърифидан ўзга эмас,  
Ким сўзласа Сидра борасида чекиб нидо.  
Эй санамлар, қачонгача ошиқларни ўлдириш,  
Четланаман сизнинг газабингиздан мано!  
Эй Ҳусомий, энди рангим сариқ юрар, то  
Бир лаб усти яшил чизиқ-ла бўлганча ошно.

\* \* \*

Гуфтам ки: маро сарви қаддат офати жон шуд!  
Дашном кунон аз назарам монд ва равон шуд.  
Зи он ёри жафопеша чи пурсам хабари дил,  
Акнун ки маро дар ғами у кор ба жон шуд.  
Эй шайх, ки манъам куни аз бодапарастий,  
Баҳри ту асири ғаму меҳнат натавон шуд.  
Аз даст манеҳ жоми май ва бин ки чи гуфтааст  
Жамшид дар он руз ки берун зи жаҳон шуд.  
То васфи рухаш кард Ҳусомий ба гулистон,  
Булбул ба фиғон омаду гул жомадарон шуд.

*Мазмуни:*

Дедим: сарви қаддинг менга офати жон бўлди!  
Койиганича, ўзини четга олди-ю, равон бўлди.  
Ул жафокор ёрдан нечук сўрай дил хабарини,  
Ушбу дам ёр ғамида жисму жоним вайрон бўлди.  
Менга бодапарастликни манъ этгувчи эй шайх,  
Сўзинг-ла ким ўзини ғамга солиб, натавон бўлди?  
«Қўлдан қўйма май жомин» демиш Жамшид ул кун,  
Ки бу жаҳонни тарк этиб, охиратга равон бўлди.  
Ҳусомий ёр юзи васфини қилганида гулистон аро  
Булбул оҳ чекди-ю, гул ёқа йиртиб, бежон бўлди.



\* \* \*

Дилам ҳалоки ту шуд, жони ман, хаёли ту чист?  
Ки ҳечгуна намерсиям ки: ҳоли ту чист?  
Ба тиғи ҳажр бури, агар бихоҳи кушт,  
Рақибни девсифат маҳрами висоли ту чист?

Фириб додани мурғи дилам ҳавас дори,  
Дигар на, ҳар тараф ин донаҳо — холи ту чист?  
Ҳусомий, бо лаби лаълаш агар нахӯрди хун,  
Бар руй зард дамодам сиришки оли ту чист?

*Мазмуни:*

Дилим ҳалокинг бўлди, жоним, хаёлиг немур?  
Ҳеч сӯрамассан мандан дебон «ҳолиг немур?»  
Ҳажр қиличи билан чоп, ўлдирмоқ истасанг,  
Девдек рақибни этмоқ маҳрами висолиг немур?

Дилим қушин алдамоқни этгансен ҳавас, йўқса,  
Дон ўрнида сочмоғинг ҳар ён қора холиг немур?  
Ҳусомий, лаъли лаби ёди-ла ичган эсанг қонлар,  
Сариқ юзингдан дам-бадам оққан сиришки олинг немур?

(*Сиришки ол* — қизил рангдаги кўз ёши)

\* \* \*

Гирифтам аз барои худ ба куйи дилситон хона,  
Ки дар фирдавси аъло ҳам набошад онченон хона.  
Даруни хонае ки он мохро ман дидаам рузе,  
Намехоҳам ки оям як даме берун аз он хона.

Танам шуд хонаи дарду ғам ва баҳри ғами дигар,  
Бувад дар паҳлуи у хонаи дил — меҳмонхона.  
Ҳусомий хонаи худ сохт охир остони у,  
Агарчи нест мумкин сохтан дар остон хона.

*Мазмуни:*

Ўзим учун дилбар қўчасидан олдим бир хона,  
Ки фирдавси аълода ҳам йўқдир бу каби хона.  
Бир кунӣ ул ойни кўрганим хона ичидан ҳеч  
Чиққим йўқ ташқарига, тарк этилмас ул хона.

Таним бўлди дарду ғам хонаси, бошқа ғам учун  
Бўлғуси унинг ёнида дил хонаси — меҳмонхона.  
Ҳусомий ўз уйи қилди охир унинг остонасин,  
Гар мумкин эрмас қурмоқ уй бўсағасида хона.

*Хона* — бу ерда «уй» маъносида.

\* \* \*

Хотир мехост аз халқи жаҳон бегонагий,  
Хешро андохтам дар олами девонагий.  
Кай тавонам ошно шуд бо шумо эй зоҳидон,  
Ман ки дорам аз жунун бо хеш ҳам бегонагий.  
Гоҳ дари ҳамхона хоҳам, гоҳ гардам устивор, лек,  
Бо худ ҳам надорам тоқати ҳамхонагий.  
То расонам хешро ба оташин рухсорае,  
Рузгоре шуд ки дорам даъвои парвонагий.  
Зоҳиди хилватнишин гуяд зи мардонам, вале,  
Кай чу шаҳбозон бувад парвози мурғи хонагий.  
Аз Ҳусомий нест ин дам бесару сомонтаре,  
Беш аз ин карди давидан дар пайи фарзонагий.

*Мазмуни:*

Кўнгил истади жаҳон халқидан бегоналик,  
Ўзим урдим ул оламгаким, номи девоналик.  
Қачон ошно бўлгум сиз билан, эй зоҳидлар,  
Жунундан касб менга ўздан ҳам бегоналик.  
Гоҳ ҳамхона тилармен, гоҳ гердайганмен, лек  
Ўзим билан ҳам қилгум йўқ ҳеч ҳамхоналик.  
Гоҳ борай дерман оташ юзли ёр ёнига мен,  
Анча бўлди ки дил истар этмоқ парвоналик.  
Хилватда ўтирган зоҳид эранларданмен дер,  
Қачон лочиндек бўлибди товуқ парвози, ахир.  
Ҳусомийдек бу дам оромини йўқотганроқ йўқ,  
Бундан ортиқ югурган у каби истаб фарзоналик.  
*Фарзоналик* — ақлсизлик, бесаранжомлик.

\* \* \*

Байтлар:

Гар ҳаст суханҳои ту дарвишона,  
Бар гуй сухан з-соғару паймона.  
Май нӯш ба ёди лаби он гунча даҳан,  
Бишнав сухани Ҳусомий девона.  
Мажнуну Аёзу Вомиқу Узро ку?  
Нолидани Мажнун зи ғам Лайло ку.  
Ку Хусрав ва нолидани Фарҳод ба куҳ,  
Ширин ба кужо шуд, он ҳама ғавфо ку?  
Равшангари ойнаи олам ишқ аст,  
Бар кавкабу меҳру маҳ муқаддам ишқ аст.  
Дар борғаҳи қабулий маҳрам ишқ аст,  
Яъни ки чароғи дили Одам ишқ аст.

*Мазмуни:*

Бўлса гар сўзларинг сенинг дарвишона,  
Тилингда янграсин соғару паймона.  
Май ич ул гунча оғизлик лаби ёди билан,  
Эшитгил, сўзлар бу дам Ҳусомий девона:  
Мажнуну Аёзу Вомиқу Узролар иши қани?  
Лайло ғамида Мажнуннинг нолиши қани?  
Қани Хусрав, қани Фарҳоднинг оҳи тоғда?  
Ширин қаён кетди, ошиқлар ташвиши қани?  
Қуёш, ой, юлдузлар хайлидан муқаддам — ишқ,  
Олам ойнаси юзига сайқал берувчи ҳам — ишқ.  
Қабуллик саройидаги энг яқин маҳрам — ишқ,  
Одам дилининг чироғи ул нурли шам — ишқ.

\* \* \*

Фазал:

Хез, эй соқий ва май рез аз суроҳий дар қадаҳ,  
З-он, ки мехоҳам гуям чанд байте дар қадаҳ.  
Ваҳ че хуш буди агар буди ман дарвишро,  
Лолаи рухсори у пеши назар дар ҳар қадаҳ.  
Акси руйи хеш дар ойина ва маҳ диду гуфт:  
Нек меояд шароб лаълро аз зар қадаҳ.  
То аз он лаб нуктаи дурри жонон гузашт,  
Монд ҳайрон бо лаби хушку ду чашми тар қадаҳ.  
Эй Ҳусомий, то бувад лабҳои май олуди у,  
Барги гул андохтан ҳожат набошад дар қадаҳ.

*Мазмуни:*

Тур, эй соқий, май сун кӯзадин, тўлганча қадаҳ,  
Байт айтмоқ истар кўнгил қўлда тутганча қадаҳ.  
Не хуш бўларди, мен дарвиш кӯзи ўнгида ёрнинг  
Турса кўриниб лола юзи ял-ял мен ичганча қадаҳ.  
Ўз юзи аксини ойнада кўрди-ю, деди ул ойгинам:  
Лаъл лабим яшнатар қизил шароб тутганча қадаҳ.  
Жонон лабидан ул дурдек сўзлар ўтгач, қолди-ку  
Ҳайрон, қуруқ лабу икки кўздан ёш тўкканча қадаҳ.  
Ҳусомий, бор эса ёрнинг майдан нам лаби, не ҳожат  
Гул ташламоқ қадаҳга, кайф бермас унингча қадаҳ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Нашрга тайёрловчи С. Фаниева. — Тошкент: Фафур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.

2. Сом Мирзо. Тухфаи Сомий. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, №57..

3. Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, №4282, Б.: 54 аб.; Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Таржимон ва кириш сўзи ҳамда изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

4. Дарвишали Чангий. «Рисолаи мусиқа» ЎзФАШИ, қўлёзма рақами 449.

5. Абдулла Кобулий. Тазкират ут-таворих. ЎзФАШИ, қўлёзма №2093.

6. Саййид Роқим. Тарихи Роқим. ЎзФАШИ, қўлёзма №3623.

7. Лутфалибек бин Оқохон Озар Бекдили. Оташкадаи Озар. Нашрга тайёрловчи Мирҳошим Муҳаддис. — Техрон: Амир Кабир нашриёти.

8. Хожамқулибек Балхий. Тарихи Қипчоқхоний. ЎзФАШИ қўлёзма №4468.

9. Жомеъ ат-таворих. ЎзФАШИ қўлёзма №1900/XXII.

10. Дилбар Рашидова. Истеъдодлар раҳнамоси//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2005, август сони.

11. Усмон Каримов. Адабиёти тоҷик дар асри XVI. — Душанбе: Дониш, 1985.

12. Усмон Назиров. Гавҳари кони дониш. — Душанбе: Адабиёт ва санъат, газета, 1988, №42, 20 октябрь.

13. Исмоил Бекжонов. Навоий назари тушган шоир// Коммунизм байроғи (Ҳазораспнома), 1988, 10 апрель.

14. И. Бекжонов. Жомий ҳақида Нисорий маълумотлари//Адабий мерос, Жомийнинг 575 йиллигига бағишланган махсус сон, 1989.

15. Исмоил Бекжонов. Ошиқ Хусомий//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011 йил 1 апрел.

16. Комил Аваз. Камтарлик саодати.//Огаҳийга арму-фон. — Урганч: Хоразм, 2009.

17. С.Ғайбуллаев. Қумликлар бағрига яширинган тил-симлар. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013.

18. Рашидова Д. Дарвиш Али Чанги и его трактат о музыке (Мавераннахр, XVI — XVII вв.) Автореф... канд. искусс. — М.: 1982.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида ( <i>С. Файбуллаев</i> ) .....	3
Ҳусомийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида .....	6
Ҳусомий ижодидан намуналар .....	27
Фойдаланилган манбалар .....	37



**Исмоил БЕКЖОНОВ**

**«ҚОРАКЎЛ  
БУЛБУЛИМАН...»**

*(Шоир ва муסיқашунос  
мавлони Ҳусомий-Қоракўлийнинг ҳаёти ва ижоди,  
1442–1505)*

Муҳаррир: *Шукур Қурбон*  
Бадий муҳаррир: *Турсинов Р.*  
Техник муҳаррир: *Жўраев А.*  
Саҳифаловчи: *Турғунов Б.*

Нашриёт лицензияси: А1 №159, 14.08.2009.  
Теришга 2014 йил 15 майда берилди.  
Босишга 2014 йил 22 июлда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Times UZ гарнитураси. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёти т.: 1,7. Шартли б.т.: 2,5.  
Адади 1000. Буюртма № 12 SM/14

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

«Sirius media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Бобур кучаси, 4-уй.



ISBN 978-9943-06-522-2



9 789943 065222